

## ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОМ МОЛИЯ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Алмардонов Мухамади Ибрагимович

*ORIENTAL университети профессори и.ф.д.*

ARTICLE INFO.	Аннотация
<p><b>Калит сўзлар:</b> ислом банкчилиги, ислом дарчалари, ислом тараққиёт банки, нобанк кредит ташкилотлари, микромолиялаштириш.</p>	<p>Ушбу республикада ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Хусусан, Ўзбекистонда ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланишни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллифнинг тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.</p>

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

**КИРИШ.** Ҳозирги кунда ислом банки муассасалари, айниқса анъанавий банкларнинг «исломий дарчалари» ўз (анъанавий) банкларига тақлид қилишса, бошқалари кескин фарқ қилади (анъанавий банкларлардан). Баъзилари илоҳий қонун-қоидалар асосида фаолият юритса, бошқалари диндан мижозларни жалб қилиш усули сифатида фойдаланади. Муаммо шундаки, ислом банкчилигининг соф ғоялари обрўсига жойлардаги воқелик сабаб путур етиши мумкин. Агар бу соҳа ривожини учун керакли қадамлар қўйилмаса, яъни асл ислом банк-молия соҳасининг ўзига хос жиҳатлари ва энг асосийси унинг руҳияти ўрнатилмаса, жамиятдаги бу соҳага бўлган ишонч йўқолади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ – 765 сонли Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Миллий иқтисодиётимизда ислом молия инструментларидан ва ислом молия институтлари хизмат турларини ўрганишдан кўзланган мақсад замонавий шароитларда молия сектори муаммоларини ҳал қилишда муқобил молиялаштириш йўллари ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

### Мавзуга доир адабиётлар таҳлили

Жаҳон иқтисодиётида анъанавий банк пулни даромади кафолатланган сотиш ёки ижарага бериш мумкин бўлган хизмат сифатида кўради, чунки берилган қарз маблағларини йўқотиш хавфи жуда кам (қарз маблағлари ҳам, қарз бўйича фоизлар ҳам лойиҳанинг муваффақияти ёки инқирозидан қатъий-назар доимо кафолатланган бўлади), ислом банки эса ўзини бизнес бўйича ҳамкордек тутди ва ҳамкорликнинг турига қараб хавфларни бўлишади. Барчага маълумки, агар икки томон хатар ва йўқотишларни ўзаро бўлишса улар молиявий амалиётларда эҳтиёткорлик билан иш тутадилар. Шу тариқа, ислом молияси адолатлироқ, молиявий барқарор ҳамкорлик

муҳити яратилишини таъминлайди. Шубҳасиз, бу борада дунё олимлари томонидан ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, Халқаро валюта фондинг собиқ раҳбари Кристин Лагарднинг фикрича: “Исломий молия, умуман олганда, мамлакатларда молиявий барқарорликни таъминлаш потенциалига эга, чунки унинг рискларни тақсимлаш хусусияти молиявий қарздорликни камайтиради, молиялаштириш эса аниқ бир активларга боғланган ва шу сабабли тўлиқ кафолатланган<sup>1</sup>” дея ўзининг фикрини билдирган. Иқтисодийнинг замонавий босқичида дунё мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган инвестиция фаолиятини ислом молия инструментлари орқали молиялаштиришга бўлган қизиқиш тобора ривожланиб бормоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим муслмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади<sup>2</sup>”, деб таъкидлаб ўтдилар.

Э.Т. Қодиров, Ж.К. Маждидовлар “Ислом банклари учун лойиҳани молиялаштиришга улуш билан иштирок этиш назарияси жуда ҳам мақбул турдаги операция бўлишига қарамай, ҳақиқатда Ислом банкларининг активлар портфелини катта қисми қисқа муддатли савдо келишувларини молиялаштиришга тўғри келади, қайсики банклар хизмат кўрсатиш устамалари (мурабаха) ҳисобидан фойда олади”[2] дея таърифлашади.

Р.А. Мусаев ва Ю.Д. Магомедовлар [3] эса глобализация шароитида Ислом молиявий институтларининг ривожланиш тенденцияларини характер хусусиятини ўрганган. Иқтисодчи олим И.А. Зарипов ўзининг илмий мақолаларида бугунги кунда жаҳонда, ислом молияси барқарор даражада ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини кўрсатаётганини, ислом молиясида анъанавий молиядаги «пул баҳоси» тушунчасига ўрнига «капитал самарадорлиги» [4] деб аталувчи янги атама жорий этилганлиги ҳақида сўз юритган. Шунингдек, Рафик Юнус Ал-Мисри “Ислом молияси ислом иқтисодий таълимотидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий исломий молия хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади: активларга асосланган, молиялаштириладиган фаолиятга чекловлар ва капитал ҳамда тадбиркорликнинг узлуксизлиги ишлаб чиқариш омиллари сифатида” [5] деб талқин этади. Ислом молияси – исломий тамойил ва қоидаларига тўлиқ мос келувчи молиявий инструментлар ва қонуниятларни ўз ичига олган тизимдир. Ислом молиясига нисбатан XXI асрда қизиқиш юқори бўлиб, илмий изланишлар олиб бориш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш борасидаги илмий фаолият кўпайиб бормоқда [6].

Эль-Гамал Махмуд ва Эль-Халифа Мухаммадларнинг ислом банклари тарихини ўрганишга бағишланган асарида ислом банкларининг тўлиқ шариатлар меъёрига асосланиши, лекин ислом тамойилларига асосланмаган бизнес муҳитида унинг қўлланилиши мумкинлиги эътироф этилган [7].

Чет эллик олимлар А. Гаит ва А. Уортингтон “Ислом молияси деганда шариат тамойиллари асосида амалга ошириладиган молиявий хизмат ёки маҳсулот тушунилади[8]” дея таъкидлашган.

М.К.Левис ва Л.М. Алгаоудларнинг фикрига кўра, “ислом молиясининг ўзига хослигини ёки

<sup>1</sup> <https://news.rambler.ru/person/lagard-kristin/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. 2020 йил 29 декабрь.

асосини ташкил этувчи бешта диний хусусият мавжуд, яъни риба (фоиз), ҳаром (тақиқланган) ёки ҳалол (руҳсат этилган), ғарар ёки майсир (қимор), закот ва шариат (ислом) кенгаши. Исломда молиялаштириш тушунчаси анъанавий ёки “Ғарб молияси”дан фарқ қилади” [9].

Амалга оширилган ушбу илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари ҳамда ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари тўлиқ ёритиб берилмаган. Умуман олганда, бугунги кунда ислом молияси жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, миллий иқтисодийтимиз учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истикболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланиш йўллари назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва шу жумладан, тараққий этган мамлакатларда ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланиш усуллариининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

### Таҳлил ва натижалар

Ислом банк иши фаолиятини бошланишини аниқ даври ўтган асрнинг 60- йилларининг бошларига тўғри келади. Биринчи Ислом Жамғарма банки Миср давлатида 1963 йили ташкил топган, лекин унинг фаолияти узоқ чўзилмаган.

1970 йилларга келиб Ислом молиявий институтларини яратиш бўйича амалий ишлар жонланиб кетган. 1974 йилда Ислом давлатлари ташкилоти шариат нормалари асосида иқтисодий ва ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун давлатлараро Ислом ривожлантириш банкни тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. 1975 йилда “Dubai Islamic Commercial Bank”и тузилди. 1979 йили Бахрейнда биринчи маротаба Ислом банки ташкил этилди. Жаҳоннинг барча давлатларидаги каби, Ислом давлатларида ҳам банклар иқтисодийда муҳим рол ўйнайди. Лекин Ислом банкларининг фаолият тамойили, оддий банк фаолиятидан тубдан фарқ қилади.

Исломда “рибо” тарзида ҳақ олишни назарда тутувчи хўжалик операциялари тақиқланган. “Рибо” деганда пул омонатлари/кредитларидан анъанавий фоиз ҳам, қарздан фойдаланганлик учун қатъий белгиланган тўловлар ҳам тушунилади. Масалан, кредит шартномасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (744–748-моддалари) қарз олувчининг олинган пул суммасидан фоизларни тўлаш мажбурияти назарда тутилади. Ушбу мажбурият кредит ажратилган лойиҳа қанчалик муваффақият билан яқунланганига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли қатор мусулмон мамлакатларидаги молия муассасалари, шунингдек Ислом тараққиёт банки ўз молия операцияларида бундай қоидаларни қўлламайдилар.

Шуни қайд этиб ўтамизки, «рибо» тақиқланганига қарамай, бундай шартларда қарз олган киши шартномани бажаришга мажбур.

Шу билан бирга, мусулмон анъанасига кўра фойда олиш мақсадида биргаликда инвестиция киритиш хусусида ҳамкорлик битимларини тузиш рад этилмайди. Бу ислом банкини учун асос яратди. Унинг асосий жиҳатлари:

- банк омонатлари ўрнига банк ҳамкорлари пайлар киритадилар, уларнинг даромад келтириши банкнинг даромад кўришига боғлиқ;
- маблағлар Исломда тақиқланмаган фаолият учун тақдим этилади;
- фоиз ставкаси, шунингдек қарздан фойдаланганлик учун қатъий белгиланган тўловлар мавжуд эмас;

- банк билан маблағ олувчи ўртасидаги фойда ва зарарлар уларнинг лойиҳага қўшган ҳиссасига мутаносиб миқдорда тақсимланади.

Молиявий операциялар учун тегишли инфратузилма ва норматив-ҳуқуқий база бўлиши зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ–765 сонли Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу қонунда Исломий молиялаштиришга оид хизматлар деганда исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўрсатиладиган молиявий хизматлар тушунилади.

Бугунги кунда «Ислом тараққиёт банки» гуруҳи таркибига кирувчи «Хусусий тармокни ривожлантириш Ислом корпорацияси» (ICD) Ўзбекистоннинг бир неча тижорат банкларида ислом молия маҳсулотлари ва хизматлари тақдим этувчи дарчаларни («ислом дарчалари») очиш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб бормоқда.

Ислом дарчалари фаолиятини тушуниш учун биринчи навбатда ислом банкчилигини анъанавий банкчиликдан қандай фарқлари борлиги ҳамда таклиф қилинаётган хизматлар ва маҳсулотлар турларини билиб олиш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, ислом молияси қарз бериш ё молиялаштириш ишларида айнан шариат тамойиллари ва қоидаларига асосланган жараёнларни қамраб олиши ҳамда ислом молия тамойилларига мос бўлган битимлар тузади. Шу билан, ислом молияси анъанавий молиялаштириш ёки қарз беришдан фарқ қилади. Масалан, гўшт маҳсулотини олайлик, ҳайвон ёки парранданинг ислом дини талабларига риоя қилган ҳолда сўйилиши уни (яъни гўштни) ҳалол гўшт сифатида талқин қилинишига сабаб бўлади. Хусусий тармокни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ICD) мамлакатда ислом молиясининг ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаган. Шу кунга қадар ушбу ташкилот томонидан умумий миқдори 400 миллион АҚШ долларига тенг бўлган маблағ мамлакатдаги 18 та тижорат банклари, 2та лизинг компанияси орқали 260дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакилларини тўғридан-тўғри молиялаштириш учун йўналтирилди ва шу орқали 5.000дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилишига эришилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда ислом молия хизматлари саноатининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакат учун қуйидаги имкониятларни очишига имкон яратиши мумкин:

- ✓ хориждан келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;
- ✓ банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш;
- ✓ аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг иқтисодиёт ривожланишида максимал иштирокини таъминлаш;
- ✓ мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш;
- ✓ кўплаб янги иш ўринлари яратиш;
- ✓ аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини кўтариш;
- ✓ Ислом молия хизматлари индустриясини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгилаш;

<sup>3</sup> <https://icd-ps.org/> сайти маълумотлари асосида ишлаб чиқилди

- ✓ янги молиявий муассасалар ташкил қилиш;
- ✓ камбағалликка қарши курашиш давлат дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиш;
- ✓ янги йўналишда кадрлар тайёрлаш дастурини яратиш.

Ушбу ишларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон ислом молияси соҳасида МДХ давлатлари ичида етакчи мамлакатга айланиши шубҳасиз. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиш истиқболи бўлади, натижада ўз маданиятида Ислоннинг чуқур илдизларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортади ва ҳукумат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари ҳам ИТБ билан муваффақиятли тарзда ҳамкорлик олиб боришмоқда. Хусусан, “Капиталбанк” АТБ ва ХСРИК ўртасида умумий қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган шартнома имзоланди. ХСРИК томонидан мурабаҳа принципи бўйича ажратилган маблағ Ўзбекистонда кичик бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади. Ислон иқтисодиётининг моҳияти, биринчи навбатда, фоиз ва фючерс битимларини рад этишдан иборатдир. Шу муносабат билан банк ишида шариат тамойилларига асосланган молиявий фаолиятни назарда тутган “ислом банки” тушунчаси ривожланган.

Турли мамлакатларда ислом молиясини шакллантириш иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларига ва муайян мамлакатнинг институционал муҳитига мувофиқ амалга оширилади. Шу боис, барча ҳолатларда исломий молиялаштиришнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бир қатор умумий хусусиятларга эга.

#### 1-жадвал. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси билан ҳамкорлик ўрнатган тижорат банклари<sup>4</sup>

№	Тижорат банклари номи
1.	“Orient Finans” bank ХАТБ
2.	“Трастбанк” ХАТБ
3.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
4.	“Капиталбанк” АТБ
5.	“Микрокредитбанк” АТБ
6.	“Халқ банки” АЖ
7.	“Агробанк” АТБ
8.	“Asia alliance bank” АТБ

Ислоний молиялаштириш шариат қонунлари билан белгиланган тамойилларга, шунингдек, мусулмон ҳуқуқи мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Ушбу қоидаларнинг баъзиларини талқин қилиш қийин бўлиши мумкин, бу эса ушбу ҳужжатларни тўғри талқин қилиш учун ислом қонунчилигига мутахассисларни жалб қилиш зарурлигини келтириб чиқаради. Натижада, ислом банклари томонидан махсус экспертлар кенгашини ташкил этишнинг кенг тарқалган амалиёти юзага келди. Ислоний қонун нуқтаи назаридан, исломий молиявий маҳсулотлар савдосини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, шариат қонунларига риоя қилиш учун молиялаштириш инструментларни текшириш билан шуғулланадиган мутахассис ёки мутахассислар гуруҳини жалб қилиш мутлақо зарурдир. Ислоний молиялаштириш инструментларини жорий этишнинг ушбу босқичи исломий банкни шакллантиришда дастлабки, аммо жуда муҳим кадамлардан биридир. Шунини таъкидлаш керакки, бизнинг фикримизча, дунёвий давлатда бундай шариат

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

кенгашлари фақат маслаҳат функцияларига эга бўлиши мумкин ва уларнинг қарорлари мажбурий бўлмаслиги мумкин. Дунёвий давлатларда мусулмон қонунчилиги соҳасида бундай эксперт кенгашлари яратишга мисол қилиб, 1986 йил Лондонда исломий инвестиция фонди ташкил этилганлиги “Kleinwort Benson” инвестиция банки фаолиятини мисол қилиш мумкин. Дастлабки босқичларда инвесторларни жалб қилиш жараёни шариат қонунлари бўйича мутахассислар кенгашининг йўқлиги туфайли жуда қийин бўлди<sup>5</sup>. Кейинчалик, мусулмон қонунчилигидан хабардор экспертлар кенгашини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу банкнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам берди.

Ислом банк маҳсулотларининг жаҳон бозори, ҳар йили барқарор ўсишни кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ҳам бундай маҳсулотларга қизиқиш ортиб бормоқда. Биз, ўз навбатида, глобал тенденцияларга ва мижозларимиз талабига эътибор қаратамиз. Бу соҳанинг ривожланиши биз учун стратегик аҳамиятга эга ва шунга мувофиқ, бу Капиталбанк АТБнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида ўз аксини топган. Мурабаҳа тамойили бўйича ушбу йўналишнинг жалб қилиниши банкнинг анъанавий банк хизматларидан фойдаланмайдиган ҳозирги ва потенциал мижозларига бизнесни ривожлантириш учун маблағ тўплаш имконини беради.

Энг йирик Ислорий банклар рейтингда кучли ўнлик банклари 2019 йилга нисбатан деярли ўзгармаган, Дубай Ислорий банки ва Қувойт Молия уйи мос равишда иккинчи ва учинчи ўринларни сақлаб қолди. Биринчи ўрин энг йирик Ислорий банки Al Rajhi мустаҳкам ўрин эгаллаган.(2-жадвал)

**2-жадвал. 2020 йилдаги йирик 10 та Ислорий банклари фаолияти<sup>6</sup>, млрд. доллар**

Топ 10 талик банклар	Мамлакатлар	Активлари	Депозитлар	Кредит линиялари
<b>Al Rajhi</b>	Саудия Арабистони	126.58	103.31	85.24
<b>Dubai Islamic</b>	Бирлашган Араб Амирликлари	78.18	55.60	53.11
<b>Kuwait Finance House</b>	Қувойт	70.74	50.39	35.36
<b>Alinma</b>	Саудия Арабистони	42.36	32.25	30.02
<b>Abu Dhabi Islamic</b>	Бирлашган Араб Амирликлари	34.51	27.34	22.56
<b>Al Baraka Bankung Group</b>	Баҳрайн	28.25	7.51	2.85
<b>AlJazira</b>	Саудия Арабистони	24.86	18.36	14.57
<b>Dukhan Bank (Barwa Bank)</b>	Қатар	23.30	1.98	15.80
<b>Bank Boubyan</b>	Қувойт	21.18	16.80	15.87
<b>Sharjah Islamic Bank</b>	Бирлашган Араб Амирликлари	14.47	9.07	2.11

Малайзия энг кўп Ислорий банкларга эга бўлиб, ундан кейин Индонезия, Баҳрайн ва Бангладеш давлатлари эгаллаиди. Малайзия ҳам жами активларнинг энг катта улушига – 21,8 фоизни, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Қувойт ва Қатар эса мос равишда

<sup>5</sup> “Islamic Capital Market Fact Finding Report” (2004), Report of the Islamic Capital Market Task Force of the International Organization of Securities Commissions, July 2004, <http://www.iosco.org>.

<sup>6</sup> Отчет об исламском социальном финансировании за 2020 [Электронный ресурс]. — URL: <https://irti.org/product/islamic-social-finance-report-2020/> (дата обращения: 11.02.2022).

19,5 фоиз, 14,1 фоиз, 11,4 фоиз ва 11 фоизни ташкил этади. Саудия Арабистони соф фойданинг сезиларли даражада катта улушига эга – 34,3 фоиз, ундан кейин Қатар (16,4 фоиз), БАА (12 фоиз) ва Малайзия (11,8 фоиз). 100 та Исломий банкдан 42 таси Осиёдан. Ушбу банклар 29 та энг йирик Ислом банкларининг жами активларининг 100 фоизига эгалик қилишган, аммо умумий соф фойданинг атиги 16 фоизини олиб келишган.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда илғор халқаро тажрибани тадбиқ этиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига аъзолигини инobatга олган ҳолда:

Ислом молияси бўйича тажриба ва кузатишларимизга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, у икки омил асосида ривожланиши мумкин.

Биринчиси, қачонки ҳукумат Ислом молиясини ўзи тарғиб қилса ва одамларни шунга ундаса, қонунчилик, тартиб ва низомларни ишлаб чиқса, марказий банк томонидан зарур инфратузилма яратилса, Ислом молияси ривожланади.

Иккинчидан, бу бозор талабидан келиб чиқади. Унда одамлар шундай хизмат ва маҳсулотларга талабгор бўладилар. Мамлакатимизда ушбу иккала омил ҳам мавжуд. Яъни марказий банк тарафидан Ислом молиясига кенг йўл очиш учун қизиқиш катта ва тушунишимизча, улар Ислом сўзига эмас, балки молиялаштириш соҳасига кўпроқ аҳамият беришмоқда. Охир-оқибат бу улар учун иқтисодиётга ёрдам берадиган муҳим молиявий инфратузилма бўлади. Чунки Ислом молияси ва анъанавий молия бир-бирини тўлдириб келади.

Ҳукумат ва марказий банкнинг Ислом молиясини кенгайтиришга бўлган қизиқишлари шу қатлам аҳолининг банк тизимида фаол иштирокини таъминлаш, уларни ҳам молия тизимида қамраб олиш учундир. Ҳозирда ҳукуматимиз ва марказий банк бунинг устида иш олиб бормоқда.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда илғор халқаро тажрибани тадбиқ этиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига аъзолигини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 1 февралда Ўзбекистон республикасининг Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорациясига аъзолиги тўғрисида”ги ПҚ-4147-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (ХИСМК) ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси (ИЭКСИК) аъзолигига кириши бўйича амалий ишлар олиб бориш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси устав капиталига Ўзбекистон Республикаси бадалларини тўлаш тартиби белгилаб берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ИЭКСИКнинг 347.500 АҚШ доллари эквивалентидаги (умумий қиймати 250.000 ислом динорига тенг) 250 та акциясига ҳамда ХИСМКнинг 695.000 АҚШ доллари эквивалентидаги (умумий қиймати 500.000 ислом динорига тенг) 50 дона акциясига ўрнатилган тартибда обуна бўлиш вазифаси белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети кўшимча манбалари ҳисобидан ИЭКСИК акцияларининг 50 фоизига обуна ҳақини тўлаш учун 125.000 ислом динори эквиваленти ҳамда ХИСМК акцияларига обуна ҳақини тўлаш учун 500.000 ислом динори эквиваленти миқдоридаги

маблағларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ажратилиши белгилаб берилди.

**3-жадвал. Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси устав капиталига Ўзбекистон Республикаси бадалларини тўлаш жадвали<sup>7</sup>**

Т/р	Йиллар	ИЭКСИК акциялари бўйича бадаллар тўлови			ХИСМК акциялари бўйича бадаллар тўлови			Йиллар бўйича жами тўловлар АҚШ долларид
		Акциялар сони	Акциялар нархи		Акциялар сони	Акциялар нархи		
			Ислом динорид	АҚШ долларид		Ислом динорид	АҚШ долларид	
1.	2019 й.	62	62 000,0	86 180,0	16	160 000,0	222 400,0	<b>308 580,0</b>
2.	2020 й.	63	63 000,0	87 570,0	17	170 000,0	236 300,0	<b>323 870,0</b>
3.	2021 й.	-	-	-	17	170 000,0	236 300,0	<b>236 300,0</b>
<b>ЖАМИ:</b>		<b>125*</b>	<b>125 000,0</b>	<b>173 750,0</b>	<b>50</b>	<b>500 000,0</b>	<b>695 000,0</b>	<b>868 750,0</b>

Янги Ўзбекистон стратегияси асосида йирик ислохотларга юз бурган мамлакатимиз миллий молия секторини ривожлантиришда исломий молиялаштириш муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг янги истиқболли йўналишларини жорий этиш, давлатнинг инвестициявий жозибадорликни ошириш, банк маҳсулотлари, исломий қимматли қоғозлар каби молия бозорининг муқобил воситаларини яратишда исломий молиялаштириш муҳим ўрин тутди.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда Ислом банкчилигини жорий қилинишининг асосий мезонларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги Қонунларга, солиқ ва фуқаролик кодексларига ва бошқа қонун ости ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, исломий банкларнинг молиялаштириш механизмларидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, аҳолининг молиялаштиришга муҳтож қатлами ҳам маблағга эга бўлиб, ундан фойда олишни кўзлаётган томон ҳам бирдек манфаатдордир. Анъанавий молиялаштириш ва Исломий молиялаштириш ўртасидаги асосий фарқлардан бири шундаки, Ислом банклари судхўрлик ва спекуляцияни тақиқлайди.

**4-жадвал. Ислом банклари ва анъанавий банклар ўртасидаги туб фарқлар<sup>8</sup>**

№	Банклар фаолиятига умумий тавсиф	Ислом банклари фаолияти	Анъанавий банклар фаолияти
1.	Талаб қилиб олгунга қадар депозитлар бўйича кафолатланган тўловлар	Мавжуд	Мавжуд
2.	Инвестицион депозитлар бўйича кафолатланган тўловлар	Йўқ	Мавжуд

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4147-сон қарорига илова.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилди



3.	Депозитлар бўйича фоиз ставкаси	Белгиланмаган, инвестициядепозитлари учун кафолатланмаган	Белгиланган ва кафолатланган
4.	Депозитлар бўйича фоиз ставкасини аниқлаш механизми	У банкнинг рентабеллиги, инвестицияларнинг даромадлиги билан белгиланади	Банкнинг рентабеллигига боғлиқ эмас
5.	Омонатчиларнинг банк фойда ва зарарида иштирок этиши	Мавжуд	Деярли йўқ
6.	Исломий молиявий маҳсулотлардан фойдаланиш	Мавжуд	Амалда қўлланилмайди
7.	Банкнинг кредит беришга доир қарорини кафолатга қараб чиқариш ҳуқуқи.	Ислом банкларида фойда ва зарарларида омонатчилар иштирокида кўп ҳолларда миждозларга нисбатан мавжуд кафолатларга қараб белгиланмайди	Ҳар доим бор

Исломий молия муассасаларининг анъанавий молия муассасаларидан асосий фарқи шундан иборатки, исломий молия фойда ва зарарни бўлишиш ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намоён қилади. Бошқача айтганда, исломий молиялаштириш шерикчиликка асосланади. Бундай муассасалар миждоз талаби бўйича объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хомашёлар сотиб олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиётлари ётади. Анъанавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириши қонунчилик нуқтаи назаридан мушкул ҳисобланади ва бунга солиққа тортиш ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

Исломий молиялаштириш соҳасидаги маҳаллий ва халқаро экспертлар сўзларига кўра, мамлакатимизда Исломий молиялаштиришни ривожланиш мойилликлари, рақобат муҳити ва имконият тамойилларини жорий этиш ва амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартиришлар киритиш орқали бу соҳани тезда йўлга қўйиб олиш мумкин. Бунинг учун эса аввало тижорат банклари тармоғининг ҳалол, шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификация қилиш имкониятларини мустаҳкамлаш зарур.

Исломий молиялаштиришнинг асосий тамойилларидан бири, барча битимларни амалга оширишда мусулмонларнинг ахлоқий ва ахлоқий меъёрларини кузатиш заруриятидир. Шунинг учун ислом молияси шартномалари доирасида инвестиция қилиш учун мўлжалланган маблағлар исломий бўлмаган инвестициялар билан аралашмаслиги керак. Ушбу қоида банк фаолиятида рибо, ғарар ва бошқалар каби қонунбузарликларнинг йўқлигини таъминлаш учун мўлжалланган. Исломий молиялаштиришнинг тамойилларини тушуниш молиявий барқарорликни таъминлаш учун ҳам муҳимдир. Биринчидан, ислом банклари анъанавий банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Иккинчидан, молиявий воситаларининг етишмаслиги исломий молиялаштириш хавфларининг концентрациясини келтириб чиқаради. Натижада, анъанавий молиявий тизим доирасида исломий молиялаштиришнинг тартибга солинмаган ривожланиши унинг барқарорлиги ва молиявий бекарорликнинг ошиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, анъанавий банкларга ўз маблағларига ишонишга тайёр бўлмаган мусулмон аҳолисининг катта улушига эга бўлган

мамлакатларда, шунингдек анъанавий банклар хизматларидан фойдаланмаётган мусулмон тадбиркорлар сони кўп бўлган давлатларда исломий молиялаштиришнинг ривожланиши молия бозорининг самарадорлигини оширишни тезлаштиришга имконият яратади.

### Хулоса ва таклифлар

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 декабрдаги “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ва 2019 йил 5 мартдаги “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари айна ислохотларга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда ислом банкчилиги фаолиятдан фойдаланиш йўллари ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қуйидаги муаммоларни бартараф этиш лозим:

1. “Ислом дарчаси” – анъанавий молия муассасалари қошида махсус бўлинма/филиал ёки шохобча шаклида ташкил этилади. Бундай шохобчаларни тузишдан асосий мақсад – анъанавий банк муассасалари маҳсулот ва хизматларидан эмас, балки ўз диний қарашлари туфайли ислом молияси тамойиллари доирасида фаолият юритувчи молия муассасалари билан ишлашни афзал кўрувчи мижозлар эҳтиёжини қондириш ва шу орқали бор мижозларни сақлаб қолиш, ҳамда банкка янги мижозлар жалб қилиш. Анъанавий банкларнинг ислом дарчалари очишдан яна бир мақсади тўлақонли ислом банклари билан рақобат имкониятларини оширишдир.
2. Исломий банклар мижоз талаби билан объектни куриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хом ашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиёти ётади. Замонавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириш қонунчилик нуқтаи назаридан мушкул бўлиб, бунга солиқ ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсиқлик қилади.
3. Ислом банклари ва бутун соҳа вакиллари янги бозорларга (яъни ўз миллий чегараларидан ташқарига) дадил чиқиб бориши, бизнес ҳамкорликни ва «жануб-жануб» кўринишидаги (яъни ривожланаётган давлатлар ўртасидаги, масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) аъзолари ўртасидаги) халқаро савдони илгари суриши ва қўллаб-қувватлаши, ҳамда ислом банк-молия тизимини жорий қилаётган давлатларда тўлақонли ҳуқуқий/молиявий ислом инфратузилмасини яратиш бўйича маҳаллий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар билан билан ҳамкорликни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ.
4. Ислом молияси бир қатор давлатларда муваффақиятли ишламоқда. Ўтган йиллар давомида «стартап» (яъни бошланғич даражадаги) шаклда ривожланган ислом молия тизими бугунги кунга келиб етарли даражада тажриба орттирди ва мана энди шу орттирилган тажриба билан бўлишиш учун халқаро миқёсга чиқиш вақти келди. Ислом банклари ва бутун соҳа вакиллари янги бозорларга (яъни ўз миллий чегараларидан ташқарига) дадил чиқиб бориши, бизнес ҳамкорликни ва «жануб-жануб» кўринишидаги (яъни ривожланаётган давлатлар ўртасидаги, масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) аъзолари ўртасидаги) халқаро савдони илгари суриши ва қўллаб-қувватлаши, ҳамда ислом банк-молия тизимини жорий қилаётган давлатларда тўлақонли ҳуқуқий/молиявий ислом инфратузилмасини яратиш бўйича маҳаллий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар билан билан ҳамкорликни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. 2020 йил 29 декабрь.

2. Э.Т. Қодиров, Ж.К. Мажидов Хорижий мамлакатларда банк иши. Ўқув қўлланма/Т. 2016 йил. 184 бет.
3. Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. Тенденции развития исламских финансовых институтов в условиях глобализации в журнале Проблемы теории и практики управления, издательство ООО «Международная Медиа Группа» (Москва), № 11
4. Зарипов И.А. (2016) Исламские финансы как стратегический ориентир развития России. / Zaripov I.A. (2016) Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia. <https://cyberleninka.ru/>.
5. Rafik Yunus al-Misri. Fikhh imushchestvennykh otnosheniy. / per. s arab. [Fiqh property relations. / translated from Arabic] / D.Adzhi; redsovet: B.F.Mulyukov and others, - Moskva: Islamskaya kn., 2014. – P. 320.
6. Хайдаров Ў.А., “ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ” илмий электрон журнали. 2022 йил 1-сон. 362-369 бет.
7. El-Gamal Mahmoud A. Islamic finance: law, economics and practice. Cambridge University press, 2006 year.222 p.
8. Gait, A. and Worthington, A.. An empirical survey of individual customer, business firms and financial institution attitudes towards Islamic methods of finance, International Journal of Social Economics, 35(11), 2008 y.783-808 p.
9. Lewis M.K. and Algaoud L.M. Islamic Banking. Northampton, Massachusetts, USA: Edward Elgar Publishing Ltd. 2001 y.253-258 p.
10. Рўзиев, А., & Хуррамов, А. (2022). ИҚТИСОДИЁТА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ. *Академические исследования в современной науке*, 1(13), 213-219.
11. Рўзиев, А., & Хуррамов, А. (2022). РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ МУНОСАБАТЛАР. *Development and innovations in science*, 1(13), 29-35.
12. Хуррамов, А. Х. (2019). Умумтаълим мактабларида касб-хунарга йўналтиришда профили синфларнинг ўрни.
13. Хуррамов, А. Х. (2022). ИНФОРМАТИКА DARSLARIDA O'YIN TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING SAMARALARI. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 10(11), 175-178.
14. Хуррамов, А. Х. (2022). ОБЩИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СИСТЕМ. *Uzbek Scholar Journal*, 10, 248-253.
15. Гулбаев, Н. А., & Хуррамов, А. Х. (2022). ОБЩИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СИСТЕМ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(13), 100-105.